

# СЕЛ ВА СУВ ТОШҚИНЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ЎРГАНИШ ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Сел ва сув тошқинларни олдини олишга қаратилган ўрганиш ишлари давом этмоқда

Сўх тумани жуғрофик жойлашувиning ўзига хослиги боис, ҳудудимиз фавқулодда вазиятлар, сел ва сув тошқинлари юзага келиши эҳтимоли юқори минтақа саналади. Ўтган йиллардаги юзага келган фавқулодда вазиятлар, аҳолига зарар етказган табий оғатлар бугун ҳаммамизни огоҳлик ва хушёрликка чорлаши табиий ҳол. Республикаиз ҳудудида, айниқса, Ватанимизнинг тоғли ҳудудларида фавқулодда вазиятларни олдини олишга қаратилган амалий ишлар февраль ойининг илк кунларидан бошлаб юборилди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор албатта.

Айни кунда туманимизнинг тоғолди ҳудудлари – тоғ ён бағрида жойлашган, сел келиши эҳтимоли юқори бўлган маҳалла ва қишлоқларда Фарғона вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси вакиллари иштирокида ўрганиш ишларии олиб борилмоқда. Сел ва сув тошқини юзага келиши эҳтимоли юқори бўлган ҳудудларда эса, мавжуд сел йўлларини тозалаш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

Тошқин сувлари ва сув оқимларини хавф-хатарсиз ўтказиб юборишни таъминлаш, қор кўчиш ва ер кўчки ҳодисалари хавфини камайтириш бўйича Тошқинга қарши вилоят комиссиясининг ийғилишида берилган топшириқлар юзасидан Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғининг профилактика бўйича ўринбосари бошчилигидаги ишчи гурӯҳ аъзолари билан Сўх туманидаги мавжуд сел йўлларида ўрганиш ишларини олиб бормоқдалар. Туманимиздаги Сўх дарёси ўзанлари, Малбут сел йўли, Демурсад сел йўли, Хушёр Асосий, Шарқобод сув олиш иншоотлари холати ўрганилиб, қилиниши лозим бўлган ишларнинг режаси тузилиб, фавқулодда вазиятларни олдини олиш бўйича зарурий чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Бу йўналишда Давсуvhўжаликназорат, гидрометероология хизмати вилоят бошқармаси, фавқулодда вазиятлар бошқармаси ва туман бўлими вакиллари қаттиқ ҳамкорликда иш олиб боришмоқда.

Вилоятимизнинг қўшни Қирғизистон Республикаси анклав ҳудудида Фарғона туманининг Шоҳимарддон, Ёрдон маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги аҳолини сел-сув тошқинларидан муҳофаза қилиш, маҳаллий сел йўлларини тозалаш ишларини ташкил этиш ва мухандислик ҳимоя тадбирларини амалга ошириш мақсадида, Фарғона вилоят ҳокимлиги маҳаллий бюджет маблағлари хисобидан ажратилган 10 тонна дизел ёқилғиси ҳамда 1 та маҳсус техника (экскаватор) олиб чиқилган. Бундай ишлар бизнинг Сўх туманимизда ҳам олиб борилмоқда.

Сел келиши эҳтимоли юқори бўлган қишлоқларда аҳоли бугунги олиб борилаётган ишлардан мамнун. Чунки қилинаётган барча ишлар уларнинг манфаати, хавфсизлигини таъминлаш учун учун йўналтирилган.

Туманимизнинг тоғолди ва тоғли ҳудудларда соҳа вакиллари ва ҳокимият ҳодимлари иштирокида ўрганишлар давом этмоқда. Фавқулодда вазиятлар юзага келиши мумкин бўлган ҳудудларга зарурий техника воситаларини жалб этиш бўйича барча чоралар кўрилган.

Сўх тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook](#) | [Telegram](#) | [Telegram murojaat](#) | [Youtube](#) | [Instagram](#)

2023-02-07 16:49:59